

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri  
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

[www.ishonch.uz](http://www.ishonch.uz)

[ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchuz>

## Куннинг муҳим воқеаси

Президент Шавкат Мирзиёев 10 январь куни Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлили ва келгуси вазифалар муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Унда қайд этилганидек, сўнги етти йилда ҳудудда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Ававаллари 15 та тумандан 12 таси дотацияда бўлган Қорақалпоғистон бугунги кунга келиб, ўз даромадига эва бўлган ҳудудга айланди. Хусусан, 15 трлн лон сўм инвестиция ҳисобига 5 минг 300 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Орол денгизининг қуриган ҳудуди ўрнида 1 миллион 800 минг гектар яшил ўрмонзор барпо этилди. 51 минг оиланинг уй-жой шароити яхшиланди, 401 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳолининг турмуш даражаси ошди. Мутасаддилар Қорақалпоғистонни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш учун барча имкониятлар борлигини қайд этиб, бу борадаги чора-тадбирларни белгилаб олди.

## «Ishonch» саволи

Транспорт вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги эътиборига!



# АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ!

Масала муаммога айланмасдан чора кўриладими?

Охириги вақтларда пойтахтда тирбандликлар шу даражага етдики, ўн дақиқада етиб оладиган манзилга бир соатда боришга тўғри келмоқда. Тиғизлик, айниқса, эрталабки ва кечки пайтларда янада ошяпти.

Автоуловлар кўпаяётгани, табиийки, фаровонликнинг белгиси. Одамларнинг турмуши яхшиланаяпти. Ҳозир деярли ҳар бир хонадонда машина бор.

Вазият шу кетишда давом этса, беш йилнинг нари-берисида пойтахтдаги тирбандликлар янада кўпаяди ва ҳаракатланиш янада қийинлашади.

Боз устига, бошкентдаги

кўплаб автотураргоҳлар йўқ қилиниб, ўрнига биною иншоотлар қад ростлаганини айтмай-сизми!

Ҳозир пойтахтга иш билан келган одамнинг энг катта муаммоси – машинасига жой топиш бўлиб қолди. Айримлар мажбурликдан уловини пйедалар йўлакларига қўйиб кетаётгани, «стоянка» илин-

жида дарахтларнинг таги цементлаб ташланаётгани ҳам бор гап. Дарахтлар кесилиши, об-ҳавонинг кескин ифлосланиши ҳақида-ку, қанча бонг урилмасин, фойдаси бўлма-япти.

Ҳўш, Транспорт вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Тош-

кент шаҳар ҳокимлиги яқин келажакда қутилаётган ноқулайликларнинг олдини олиш учун бирон-бир чора ишлаб чиқяптими? Бу бўйича ҳукуматга ўз таклифларини билдир-ганми?

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ  
«ISHONCH»  
Эъвоза УМРЗОҚОВА олган сурат

**ТАҲРИРИЯТДАН:** «Ishonch» газетаси ушбу мавзу юзасидан соҳа мутахассислари, зиёлилар, жамоатчилик вакилларига минбар беришга тайёр. Эеро, мегаполис шаҳримизнинг эсаҳон ҳавас қиларли даражада обод ва кўркам бўлиши бугун биз қандай йўл тутушимизга, қилажак амалимизга боғлиқ. Шундай эмасми?

## Касаба уюшмаси аралашгач...



Андижон вилояти

## ПАЙСАЛГА СОЛИНГАН ТЎЛОВЛАР

Мутасаддилар инсонлар тақдирига боғлиқ масалага нега лоқайдлик билан қарашади?

Шифокорлар ҳақида гап очилса, аксарият ҳолларда уларни фидойи касб эгалари дея таърифлаймиз.

Дарҳақиқат, эртаю кеч беморлар дардига дармон бўладиган соҳа ходимларини ҳар қанча эъзозласак арзийди. Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ходими Шокиржон Ҳамдамов ҳам ана шундай хурмат-эътиборга лойиқ кишилар сирасидан эди. У мазкур жамоада чорак аср меҳнат қилиб, минглаб беморларнинг соғлигини тиклашда ва ҳаётини сақлаб қолишда фаол қатнашди. Бироқ ўз вазифасини бажараётганида COVID-19 хасталигига чалингани туфайли 2021 йил 26 июль куни вафот этди.

Қанчадан-қанча одамларни даволаб, дардига дармон бўлган жон-куяр инсон шу тариқа ҳаётдан кўз юмди. Ортдан умр йўлдоши ва воёга етмаган икки фарзанди бўзлаб қолди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти кенгашига 2022 йил 19 апрелда Шокиржон Ҳамдамовнинг рафиқаси Нигора Ҳамдамова номидан эри ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолатда вафот этгани боис оила аъзоларига иш берувчи томонидан зарар пуллари тўланмагани ҳақида мурожаат келиб тушди. Шу асосда ҳолат кенгашининг вилоят бўйича меҳнат техник инспектори томонидан батафсил ўрганилди ҳамда туман тиббиёт бирлашмасига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Натижада 2023 йил июнь ойидан сентябрь ойигача Нигора Ҳамдамовага марҳум ёстқидоши ойлик иш ҳақининг олти йиллик миқдорига бир марталик зарар тўловлари - 250 миллион сўм тўлаб берилди. Бундан ташқари, оиланинг меҳнатга яроқсиз ва воёга етмаган аъзоларига ҳар ойда нафақа тўлаш белгиланди.

Тўғри, икки йил кечикиб бўлса-да, адолат қарор топди. Лекин... Савол саволлигича қолаверди, мутасаддилар инсонлар тақдирига боғлиқ бу масалага нега лоқайдлик билан қарашди? Ёки улар ўз бурчини ўташ жараёнида дахшатли бало қўрбонига айланган ҳамкасбларининг турмуш ўртоғи, бири олий ўқув юртида контракт асосида ўқиётган икки нафар воёга етмаган фарзанди борлигини билмасдилар? Билган бўлсалар, тўловни ўз муддатида амалга оширишни нима учун пайсалга солдилар, нега шусиз ҳам кўнгли ўксик оила аъзолари шунча вақт дард устига дард чекишларига сабабчи бўлдилар?

Бизнингча, бу саволларнинг жавоблари кўпчиликни кизиктирса керак!

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

## Тошкент шаҳри

## Учрашув

## ХАЛҚ БИЛАН АРМИЯ — БИР ТАНУ БИР ЖОН

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Менинг армиям – менинг фахрим» мавзусида тадбир ташкил этилди.



...Муҳташам залга талабаларнинг гулдурас қарсақлари остида кўкси ордени, медаллар билан тўлган фахрий ҳарбийлар кириб келишди. Йиғилишда Қуролли

Кучлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, халқ ва армия бирдамлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар борасида сўз борди.

Тошкент шаҳар фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Йўлдошали Раҳмонов йиғилганларни байрам билан табриклар экан, ўз ҳарбий фаолиятидаги қизиқарли воқеаларни ёдга олди. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида мароқ билан сўзлади.

Тошкент вилояти фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Орифжон

Тўлаганов эса ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий кадриятлар руҳида тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори Абдуҳалил Атаматов ёш авлод тарбиясида бундай учрашувларнинг аҳамиятига тўхталди. Шу билан бир қаторда, миллий армиямиз тарихини теран билиш ҳар бир ёш учун муҳим эканини қайд этди.

Тадбир давомида акаде-

миянинг фаол талабалари фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

Ватанпарварлик ғоялари сингдирилган чиқишлар талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент ҳарбий округи оркестри ижросидаги қуй ва қўшиқлардан дилларда Ватан ишқи янада жўш уриб, халқ билан армия бир тану бир жон эканини қайта-қайта таъкидлагандек бўлди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА  
«ISHONCH»  
Эъвоза УМРЗОҚОВА олган суратлар

## Навоий вилояти

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши фаоллари яна бир савобли ишга қўл урди.

## Эътибор

## ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

Навоий шаҳрининг «Бунёдкор» маҳалласида яшаётган 32 нафар ногирон болажон истиқомат қилаётган хонадонларга Янги йил совғаси сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли ширинликлар етказиб берилди.

Ўз бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оилаларига 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳам шундай совғалар билан кириб боришни ният қилганмиз, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева.

Дилафрўз ҲУРОЗОВА,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси



## Унинг уйида ўТМИШ ЯШАЙДИ

// 4-саҳифада ўқинг





Хоразм вилояти

Заковат

# ТАФАККУР СИНОВЛАРИ

**Урганч шаҳридаги ёшлар кутубхонасида Ўзбекистон касабамалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши «Касаба уюшмалари – меҳнаткашлар манфаатлари учун!» шiori остида «Заковат» интеллектуал ўйинини ташкил этди.**

Унда ҳар бири олти иштирокчидан таркиб топган саккизта жамоа ўзаро беллашди. Улар орасида сенаторлар, олимлар, давлат хизматчилари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, шифокорлар, ўқитувчилар, санъаткорлар, тadbirkorлар, моҳир курувчи, муҳандислар, қишлоқ хўжалиги фидойилари борлиги ўйиннинг янада қизиқарли ва муросасиз кечишини таъминлади.

Саволлар асосан янги тахрирдаги Конституция, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун ҳамда Меҳнат кодекси юзасидан берилди.

– Ўйинда иштирок этиб, ўзим учун кўп янгиликларни кашф қилдим. «Заковат» инсонни тезкор мушоҳадага, муштаракликка ундар экан. Бундай ўйинни жамоамизда ҳам ўтказишни ўйлабман, – дейди сенатор, машҳур «Тилла домор» корхонаси раҳбари Умарбек Шарипов.

**Ўйинни юксак савияда ўтказиш ва жамоалар маҳоратини муносиб баҳолаш мақсадида «Заковат интеллектуал клуби» ННТ Хоразм вилоят бўлими вакиллари таклиф қилинди.**

– Ушбу ўйинлар барчада катта қизиқиш уйғотди, – дейди «Заковат интеллектуал клуби» ННТ Хоразм вилояти бўлими раҳбари Азамат Маткаримов. – Бунда ҳамма жамоалар бир вақтда синовдан ўтказилди. Барчага бир хил савол ва ҳар бир савол учун бир дақиқа вақт берилди. Жамоалар ўз жавобларини ёзма равишда тақдим этишди. Ўйин икки турдан иборат бўлиб, ҳар бир тур 10 та саволни ўз ичига олди. Ўйинда барча жамоалар фаол қатнашиб, юқори натижаларни кўрсатишди.

Ўйин якунларига кўра, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Хоразм вилояти кенгашининг «Қалқон» жамоаси биринчи, Таълим ва фан ходимлари касабамалари Федерацияси Хоразм вилояти ташкилотининг «Зиёнон» жамоаси иккинчи, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабамалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашининг «Бунёдкорлар» жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб жамоалар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Фаол иштирокчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, тadbirkorлар қатнашчилари Урганч шаҳрида ўтган йили фаолият бошлаган, бир вақтнинг ўзида ҳам китоб дўкони ва кутубхона вазифини бажарувчи зиё маскани фаолияти билан танишишди.

Муҳаббат Тўрабоева «ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун аниқ далилларга мурожаат қилайлик. Ўтган йилнинг ўн бир ойи давомида биргина Самарқанд вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси томонидан соҳа ходимларининг 2124 та мурожаати рўйхатга олинган. Бошқарма масъуллари ҳар куни ўртача олти мурожаатни ўрганиши ва қаноатлантириши лозим бўлган. Айни чоғда касабамалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши ҳам шу тизим вакиллари ҳиссасига тўғри келган.

Хўш, аризабозликнинг бу қадар урчиши ва меҳнат муносабатларидаги тарангликнинг асл сабаби нимада?

Мурожаатлар таҳлил қилинганда, аксариятда тилга олинган муаммолар йўл-йўлакка ёки жойида ҳал этиб бўладиган масалалар эканлиги аёнлашди. Лекин ҳамаси энг юқори идораларга шикоят эшиш урфга айланганга ҳамда жойлардаги «ричак»ларда носозлик кузатилаётганга ўхшайди. Биз оғрикли соҳа дея таърифланаётган ушбу тизим фаолиятини ўрганиш орқали масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик.

– Меҳнат қонунчилиги ва жамоа шартномаларида ҳар бир ташкилот-корхонада меҳнат низолати комиссияси тузилиши белгилаб қўйилган, – дейди касабамалари Федерацияси Самарқанд вилояти инспекцияси меҳнат ҳуқуқ инспектори Улуғбек Ғаниев. – Жамоатчилик юридувидаги бу комиссия ишонадига ҳар қандай низолати ёки қундалиқ масалани кўриш, маъмурият олдида зарур талабларни қўйиш ваколатига эга. Афсуски, кўпчилик ташкилотларда жамоатчилик назоратининг бу самарали усулига етарли даражада эътибор қаратилмапти. Иш берувчи тушунган ҳолда, ходим онгли

равишда комиссия таркибини танлаши, иш жараёнида унинг кўмагидан фойдаланиши лозимлиги нуқтияти.

Инспекция томонидан мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги ўрганишлар жараёнида айнан меҳнат низолатини ҳал этиш комиссияси фаолияти мутлақо эътибордан четда қолаётгани ойдинлашди. Масалан, бошқарманинг ўзида ишлаётган ходимлар ҳам жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиб-қоидалари билан яхши таниш эмас. Боз устига, иш берувчига ҳам, ходимларга ҳам ўз фаолияти давомида асқатадиган меҳнат низолати комиссияси тузилиши билан яхши таниш эмас. Ҳатто вазибалар тақсироти хусусида ишловчиларга етарли маълумот ва тушунчалар берилмаган. Бу эса ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари камситилишига олиб келмоқда.

Мана, бир мисол. Меҳнат кодексининг 397-моддасида уч ёшга тўлмаган фарзанди бор ота-она (ёки васий)лардан бирига ҳафтага 35 соатдан ошмайди иш соатлари белгиланиши назарда тутилган. Бирок бошқарманинг уч ёшга тўлмаган фарзанди бор ходимлари Илмира Халиярова ва Дилноза Каримова бу имтиёздан бебаҳра қолдирилган. Касаба уюшмалари инспекцияси ҳар иккала аёл ҳафтага 40 соатдан ишлаб келаётганини аниқлади. Пировардида маъмурият олдида бу ходимларга ортиқча ишлаган кунлари учун жамоа шартномаси бандларига

асосан икки хисса миқдоридан, жами 19 миллион 800 миң сўмлик меҳнат ҳақи тўлаб бериш вазифаси қўйилди.

Бошқармада 2023 йил учун меҳнат таътиллари жадвали 15 майда ишлаб чиқилгани ҳам кишини таажублантиради. Қолаверса, ушбу ҳужжатга риоя қилинмаганини, меҳнат таътили пулларини тўлаш келтирилган кунлар учун компенсация тўлаши қонуни мустақкамлаб қўйилганига қарамай, бу борадаги талаблар ҳам бузилганини қандай баҳолаш мумкин?

Дарвоқе, бошқарманинг 85 нафар ходимига таътил пуллари кечиктирилди, кейинги ойлик иш ҳақи билан бирга тўланган. Бундай вазиятда Меҳнат кодексининг 333-моддасига мувофиқ, таътил пуллари кечиктирилган ҳар бири учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 10 фоизи миқдоридан компенсация тўлаши шарт. Демак, бошқарма таътил тўлови кечиктирилган ходимларга 38 миллион 80 миң сўм миқдоридан компенсация тўлаб беришга мажбур.

Шу ўринда ўз-ўзидан ҳақли саволлар туғилади. Хўш, бюджет ташкилотининг компенсация пулини тўлаб беришга қурби етадими? Ортиқча сарф-харажатни унинг ҳамёни кўтарадими? Молиялаштиришда барча сарф-харажатлар тийин-тийингача ҳисобланиб, тақсимланишини назарда тутиш зарур бўлса, компенсация пуллари ходимларга қаердан

олиб берилади? Ҳар ҳолда ҳеч қим ўз чўнтагидан тўламаса керак.

Мана, кўрдингизми, ариза-шикоятлар қаердан ва қандай пайдо бўляпти? Вилоятдаги таълим-тарбиянинг бош «қорроғи»да аҳвол шундай бўлган, унинг қўйи бўғинларидан ўпка-гина қилмасак ҳам бўлар.

– Албатта, бу ўринда барча айбни маъмуриятга тўнкаш ҳам адолатдан эмас, – дейди суҳбатдошимиз. – Тартибли фаолият юритишни истаган иш берувчи, аввало, бошланғич касабамалари ва жамоатчилик назорати эмин-эркин ишлаши учун қулай шароитлар яратиб бериши, сўнгра уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиши зарур.

Касаба уюшмаларининг тизим ташкилотларида меҳнат муносабатларига оид меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик ўрганишларида аниқланган камчиликлар ҳам оз эмас. Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари, Самарқанд, Тойлоқ, Жомбой, Ургут туманлари Мактабгача ва мактаб таълими бўлимларида оддийгина вазифалар тақсироти мавжуд эмаслиги, борларидан ҳам ходимлар ундан мутлақо бебабарлиги ачинарли ҳолдир. Бу ташкилотларда меҳнат низолатини қандай қилиш комиссиялари қандай иш юритаётгани, Меҳнат кодексининг қатор моддалари талабларига нечоғлик риоя этилаётгани ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Тизимдаги энг катта нуқсонлардан бири, бу иш ўринларини экспертизадан ўтказишга панжа орасидан қаралаётганидир. Бошқарма қўйи бўғинларида меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассиси лавозими жорий этилмаган. Катта масъулият талаб қиладиган бу вазифа хизмат функцияларини бажариш бўйича махсус тайёрликка эга ходимга юклатилмаган. Афтидан, 2021 йили Самарқанд шаҳридаги 4-умумтаълим мактабидан рўй берган, оқибати ўлим билан тулаган қозонхона воқеаси, бултур Оқдарё туманидаги «Millat kazinasi» маданият таълим муассасаси ходими учраган қўнғилсизликлардан ҳамон тегишли ҳулоса чиқарилмаганга ўхшайди.

Самарқанд вилояти касабамалари Федерацияси инспекцияси масъуллари вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда унинг қўйи бўғинларига жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан керакли ёрдам ва тавсиялар беришди. Энди ҳамма гап бу кўрсатмаларга амал қилишда, фаолиятини белгиланган меъёрлар асосида ташкил этишда қоляпти.

Ўйлаймики, тизим масъуллари йўл қўйилган ҳато-камчиликларга тўлиқ барҳам бериш чораларини кўрадилар.

Нурилла Шамсиев «ISHONCH»

Тошкент вилояти

Бошланғич ташкилотларда

# «БАРКАМОЛ АВЛОД»ДА БАРЧАСИ ЯХШИ

**Айни пайтда Ўзбекистон касабамалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши таркибидан 2935 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 3000 нафарга яқин ходим фаолият юритади. Хусусан, Қўйи Чирчиқ тумани «Баркамол авлод» болалар мактаби бошланғич касабамалари Федерацияси ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга муносиб шарт-шароитлар яратилишида эътиборга лойиқ ишларни амалга ошириб келмоқда.**

– 65 нафар ходим фаолият юритадиган муассасада касабамалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши бошланғич касабамалари Федерацияси раиси Нилуфар Салимова. – Жамоа шартномасига мувофиқ, аъзоларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатлари мунтазам ҳимоя қилиниб, касбга доир барча муносабатлар тартибга солиб келинмоқда.

Ўтган йилда касабамалари Федерацияси тавсиясига мувофиқ, иш берувчи томонидан ходимларга моддий ёрдам берилди. Кўхна Хоразмга 3 кунлик саяҳат уюштирилди. Шунингдек, 60-65 ёшга тўлган аъзолар туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шу билан бирга, мактабда



«Аёллар дафтари»да рўйхатда турган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ҳамма диккат марказида. Унга асосан, ходимларга соғломлаштириш йўлланмалари ва моддий кўмак ҳам бериб келинмоқда.

Ўтган йил давомида муассасада

саса ходимлари юқори турмуш касабамалари уюшма ташкилоти томонидан ўтказилган спорт мусобақалари, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Байрам ва бошқа муҳим саналар муносабати билан ходимлар ўртасида спортнинг шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, стол теннис каби турлари бўйича мусобақалар уюштириш йўлга қўйилган бўлиб, бу ўз навбатида, ходимларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишлари ва хушқайфиятда ишлашларида алоҳида аҳамият касб этади.

Холида Эгамбердиева «ISHONCH»

Сирдарё вилояти



«Аёллар дафтари»ни varaқлаганда...

# БАМИСОЛИ САНЪАТ АСАРИ

**Гулистон шаҳрининг «Ниҳол» маҳалласида яшовчилар Нилуфар Турдиевнинг ғайрати, ҳаракатчанлигига ҳавас қилишади.**

Унинг турмуш ўрфоги мавсумий ишларда ишлайди. Кекса қайнона-сига алоҳида парвариш зарур. Қизи талаба. Кичкина болаларининг эҳтиёжи ҳам кун сайин катталашиб борапти. «Аёллар дафтари»да рўйхатда тургани уйга файз-баракат киритди. Тикув машинасида ишларкан, бир пайтлар онаси қуроқ тикани ёдига тушди. Ўшанда онасига қарашиб, анча қўли наели қолганди. Замонавий қуроқ буюмлар қайтадан урф бўлаётганидан хабар топган Нилуфар ғайрат-шижоат билан ишга киришди.

– Ўзини иш билан таъминлаб, уйига барака олиб қираётган бу аёл барчага ўрнак, – дейди «Ниҳол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулноз Йўлчиева. – Буюртмалари сон-саноксиз. Хунарининг орқасидан яхшигина даромад топапти. Энди магазин очиб, тиккан

буюмларини ўша ерда сотиш ҳаракатида. – Қадимда момоларимиз қуроқ буюмларга яхши ниютларини эш қилишган, – дейди Нилуфар Турдиева. – Чимилдиқ, келин-куёв ўтирадиган кўрпача, дастурхонларга қуроқ бўлган. Икки ёш бир-бири билан қуралиб, яъни жипслашиб, айрилмас бўлсин, деган ниютда улар учун атай атаб тикилган. Мен ана шу амалий санъатимизга замонавий тус бериб ишлаяпман.

...Тикув хонасида машинанинг паст овози эшитилади. У ерда Нилуфарнинг кўз нури, бармоқларининг сеҳри, тафаккури ва яхши ниютлари ила гўзал санъат асарлари дунёга келаётир.

Баҳор Холбекова «ISHONCH»



Табият ва биз

# Сувсаётган замин дарди

**Биз келтирмоқчи бўлган ушбу маълумотлардан эҳтимол хабардордирсиз.  
Аммо такрор бонг уришдан муддао битта:  
эшитганга амал қилиш бошқа, шунчаки бепарво ўтказиб юбориш мутлақо бошқа нарса...  
Зеро, сув тақчиллиги, курғоқчилик хавфи бизнинг яшнаб турган ҳаётимизга шу қадар  
яқин келиб қолдики, бундан кўз юмиб бўлмайди.**

Сув ҳақида гап кетса болалигимиз кўз олдидан жонланади. Кишлогимиз булоқдан сув ичарди. Эрта баҳорда маҳалла ахли оксоқоллар бошчилигида хашар бошларди. Булоқ боши мол ва бошқа ҳайвонлар ўтмайдиган қилиб тўсилар, ариқ қиртишлаб тозаланар эди. Ўша жойда жонлик сўйилиб, дошқозон осилар, нурунийлар йилнинг баракали келишини сўраб дуога қўл очар, хуллас, сувнинг хурматини жойига қўйишарди. Эзгу сўз ва амал бирлашар эди. Ҳа, биз сувни қадрлаш, унга туфламлиқ, чикинди ташламаслик шарт эканини кўриб улғайган авлодмиз. Кейинчалик бундай амаллар сўзга кўчди, сувнинг азизлиги фақат тилда қолди. Табиатга бепарволик қараш вужудга келди. Одамлар табиатдан узоқлашгани сари муқаддас тўғриликнинг бой бера бошларди. Аччиқ ҳақиқат шунки, сувга муносабат буткул ўзгарди. Бугун ариқлар, денгиз ва океанлар ташлаган чикиндиларга тўлиб бораётди. Сувнинг хотираси бор. У яхшилик ва ёмонликни фарқлай олади. Анча йиллар олдин бир тақдирот ўтказилган: олимлар бир жойдан олинган сувни икки идишга қуйиб, уларга бир сикимдан гуруч солади. Кейин иккала идиш алоҳида жойда сақланиб, уларнинг бирига яхши гаплар, иккинчисига сўкишу қарғиш «эшиттирилган». Ёмон гап эшитган сувдаги гуруч айниб, қорайиб кетади. Бунисида эса акси - гуручнинг ранги у солинган сув каби тиниқлашади. Шу каби тақдиротлар бир неча марта ўтказилди ва сувнинг одам

қаби маълумотларни қабул қилиш, сақлаш ҳамда ташиш хусусияти бор деган яқдил қарорга келинади. Биламизки, инсон танасининг катта қисми сувдан иборат. Ҳайвонот ва наботот оламиники ҳам. Бинобарин, бизга сув эмас, тоза сув етишмаяпти. Аслимиз, табиатимиз кирлашмоқда. Бугунги тоза сув тақчиллиги ҳам аслида табиатга муносабатимизнинг натижаси. Табиатда ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳаммасига бир сабаб бор. Жумладан, бугунги ичимлик сув тақчиллигининг сабаби инсониятнинг кейинги икки асрлик жадал техник тараккиётига боғлиқ. Дарҳақиқат, дунё мислсиз техник ривожланишга эришди. Инсон туйғуларини шунга мутаносиб равишда глобаллашти, кадрятлар, хусусан, табиатга муносабат эса акс томонга ўзгарди. Инсон ўзини табиатнинг бир қисми эмас, хоқони каби тута бошлади. Энди шу жараённинг оғир оқибатлари юзга чиқаяпти. Сув етишмаслиги бутун дунёда глобал муаммага айланди. Иқлим ўзгаришлари ҳамма ерда кузатилаётган. БМТнинг маълумотларига кўра яқин қирқ йилда ер шаридаги ҳарорат энг пасти 0,5 даража, энг юқориси 2,5 даража кўтарилган. Хусусан, 2050 йилга бориб Марказий Осиёда сув тақчиллиги кучайиши мумкин, деган тахмин илгари сурилмоқда. Бу ҳолат дунё халқлари учун ҳам жиддий оғохлантириш дея баҳоланмоқда. Негаки, сайёрамиздаги маълум, ҳудудда иқлим ўзгариши, сув камайиши бошқа минтақаларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тақчиллик эса инсониятнинг муқаррар инқирозидир. «Сув - ҳаёт» деб бекорга айтилмаган. Сув бўлмаса ҳеч нарса униб ўсмайди. Озиқ-овқат етишмайди. Шу боис қадим аждодлар доим сув бўйларига кўчиб, ўша ерларни макон тутишган. Илм-фан сув тақчиллигининг бир нечта сабабини кўрсатади. Қуёш фоллигининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бир сабаб. Ернинг туб қатламларида ҳам кучли иссиқ бошланган. Ер ядросидаги ҳарорат кўтарилса, у океанларга ҳам таъсир кўрсатади. Дунё уммонларидаги сув охириги вақтларда 2 даражагача исиган. Бу эса катта миқдорда буғланишни вужудга келтирди. Айни пайтда сув таркиби ҳам ўзгариб бораётди. Бугунги кунда шуларнинг ёнига инсон омилли келиб қўшилди. Мактаб давридан биламизки, уммон, денгиз, музликлар эриб, буғланади ва у қор-ёмғир бўлиб яна заминга қайтади. Бу жараён миллион йилларки ўзгармай келаётган эди. Хозирда инсон кашф этган техник тараккиёт сувнинг айланма ҳаракатига соя ташлади. Минглаб, миллионлаб заводу машиналардан чиқаётган захарли газлар ҳавода карбонат ангидриднинг кўпайишига олиб келди. Оқибатда буғ бўлиб ҳавога кўтарилган сувнинг маълум қисми яроқсиз ҳолга айланаётди. Шунингдек, ҳавога кўтарилган захарли газлар осмоннинг юқори қисмларида юпқа парда ҳосил қилиб, ердаги ортиқча иссиқликнинг қонинга тарқалиб кетишига тўсиқ бўлиб қолди. Бунинг парник эффекти - иссиқхона ҳодисаси деб аташади. Ҳаво қанча иссиқ бўлса, буғнинг булутга айланиши шунча қийин кечади. Самода сув буғларининг керагидан ортиқча тўпланиши эса улкан булут, катта ёмғир дегандир. Бун-

дай ёмғир асосан савалаб ёғади. Бу ўз навбатида табиий оғафлар, жумладан, жала ва тошқинларни келтириб чиқаради. Тупроқ бундай сувни тўла ўзлаштира олмайди. Баъзилар тез буғланиш сув танқислигига барҳам беради деб ўйлайди. Аммо бундай эмас. Тез буғланиш оқибатида ўсимликлар кескин камайиб кетади. Чунки улар кеча-ю кундуз тиним билмаган одам каби буғланишдан чарчайди. Кўпинча дон, ҳосил қолдиришга улгурмай, қовжирайди. Табиат мувозанати шу зайл издан чиқади. Кўпчилик сувни асраш учун уни тежаб ишлаши керак деган торроқ хулосада. Тўғри, сувни тежаш, айниқса ер қаъридан олинмаган ичимлик сувни кўз қорачиқдай асраш шарт. Шунда у кескин камайиб кетмайди. Лекин бу бизнинг сувни асрашдаги вазифаларимиздан биттагинаси, холос. Аслида заводлардан чиқаётган зарарли газларни камайитириш, машинадан камроқ фойдаланиш ҳам сувни тежаш дегани. Тошкентда ишхоналар атрофи шахсий автомобиллар билан тўла. Улов қўйишга жой топилмайди. Уларнинг деярли барчасидан ўша ишхонага келган шахслар фойдаланади. Агар уларнинг ҳеч бўлмаганда ярми жамоат транспортдан фойдаланса, зарарли газ миқдори кескин камайди. Табиат нафас олиши учун тоза ҳаво кўпаяди. Азим чўққиларда яна қор кўрина бошлайди. Табиатнинг нафас олиши яшиллик дунёсига боғлиқ. Дарахтларни кўпайитириш ҳам сув тежашнинг самарали усулидир ҳам ҳисобланади. Афсуски, бу борада ҳам оғриқли нўқталаримиз кўп. Шундоқ ҳам Ўзбекистоннинг 80 фоиз ери чўл ва чалачўллардан иборат. Биз эса кимўзарга ўнлаб тинимсиз дарахт кесиш билан шуғулланаямиз. Бунга қарши мораторий эълон қилинган эди. Айрим «ишбилармон»лар соғлом дарахтни дори билан ўлдириб, осонгина кесиб ташлапти. Ҳолбуки, яшиллик қанча кўпаяса ёмғир сувлари шунча баракали бўлади. Чунки дарахт, бута ва ўсимликлар сувни барги ва илдизи орқали ер қаърига асослади. Шу билан бирга улар илдизи атрофида ер ости сувларини тўплаб, узоқ сақлаш хусусиятига эга. Афсуски, бу борада ҳам ахволимиз мактағулик эмас. Масалан, ҳозирги вақтда қарийб ўн млн. гектар яйлов тубдан яхшиланишга муҳтож. Молларни бир йилда қайта-қайта ўтлатиш, дарахтларни кесиш чўл зонасида бута ва бошқа ўсимликларнинг камайиб кетишига олиб келди. Оқибатда мамлакатимиз ҳудудида кўчадиган қумлар қарийб бир млн. гектар майдонни эгалламоқда. Сўнгги вақтларда қум кўчадиган икки юз миң гектар ҳудуд пайдо бўлди. Бу чўллашнинг кучайишидир. Бунинг олдини қандай оламыш деган савол турлади. Биринчи навбатда дарахт кесишга барҳам бериш керак. Бунинг қонун билан тақиқлаш баробарида жамоатчилик назоратини кучайтириш, табиатни асрашдаги қадим қадрятларимизни тиклаш лозим. Ахир биз эртага қиёмат эканини билсан ҳам дарахт эк деган миллатнинг авлодларимиз. Шундай экан, нега бугун фақат дарахт кесиш билан шуғулланаямиз?! Сабаби - оилада тарбия издан чиқди. Ўзликни унутдик. Қандай бўлмасин, нима қилиб бўлса ҳам пул топ деган қараш онгимизни эгаллади. Иллатлардан қутулиш учун эса яхшиликни кўпроқ тарғиб этиш зарур. Шу маънода Оролнинг қуриган ту-

бида яратилаётган яшил макон лойиҳасини эътироф этиш, айни пайтда бу ишлар кўламини кенгайтириш зарур. Чунки ҳавога чанг ва қум қанча кам учса, чўллашиш шунча камайди. Тан олайлик, бу жараённи тўхтатиш осон кечмайди. Шу боис энди тез-тез ёғадиган жалаларга тайёр туришимиз керак. Негаки, юқорида айтганимиз каби буғланиш тезлашганда, ёмғирнинг савалаб ёғиши кучаяди. Агар ана шу тошқинлар оқимини бошқаришни ўрганиб, ундан фойдалана олсан, жуда катта ютуққа эришган бўламиз. Бунга мисоллар жуда кўп. Қадимда боболаримиз сел йўлларини тўсиб қўл ҳосил қилган. Бундай қўллар қоқ дейилган. Қоқда аввал молларини суғоришган. Сув тугагач, мана шу нам ерда лалми дехқончилик қилишган. Полиз ва дуккакли экинлар мўл ҳосил берган. Мухими, бундай жойда сув ер остига кўпроқ синиб, кейин у тоза сув сифатида ўзимизга қайтади. Боз устига, ер қаъридаги хароратнинг пасайишига, демек, буғланишнинг ҳам камайишига хизмат қилади. Бу нарсалар кимгадир жўн туюлар, лекин замонавий усулларда янгича воситаларни излаб топсақ фойдадан холи бўлмаслиги аниқ. Мухтасар айтганда, табиат бир бутун халқадир. Инсон ҳам ўша халқнинг бир бўлаги. Бу биз ўйлаб топган гап эмас. Дунё халқларининг қадриятларида, табиатга муносабати замирида ана шу ҳақиқат бўлиб турибди. Шу боис сув тежашни аввало табиатга яқин бўлган дехқонлар фикратини ўзгартаришдан бошлаш керак чоғи. Чунки шу соҳада жуда кўп сув йўқотаямиз. Хусусан, сувнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Ачинлариси, унинг ярмидан кўпи локайдлигимиз ва укувсизлигимиз боис исроф бўлади. Тўғри, кейинги вақтларда сувдан унумли фойдаланиш тўғрисида бир нечта қонун қабул қилинди. Сув тежаш технологиялари, жумладан, томчилик, ёмғирлатиб суғориш, плёнка тўшаб суғориш йўлга қўйилди. Улардан фойдаланиш учун фермерларга субсидия ҳамда энгил кредитлар ажратилмоқда. Хориздан келтирилаётган суғориш технологиялари учун бож тўлови бекор қилинди. Улардан фойдаланиш ер солигидан озод қилиш билан рағбатлантирилди. Лекин таассуфки, бу технологиялардан фермерларимизнинг катта қисми тўри фойдалана олгани йўқ. Айримлари бу технологияни қандай ўрнатишни ҳам билмаслигини, эҳтимол, ўрганишга рағбати ҳам йўқлигини исобга олса, замонавий фермерга нафақат куч, балки ақлий салоҳият ва фидойийлик ҳам зарур эканига амин бўламиз. Бу дехқончиликда ҳам минг йиллик мактабнинг инқирозга юз тутганини кўрсатади. Ахир кечганига сувчилар бир таноб сувни шундай маҳорат билан тарашлаб, катта майдонларни суғорар эди-ку! Уларда замонавий технология йўқ эди. Улар ернинг паст-баландини, сувнинг келишини ҳисобга олиб, бир эгатнинг уч-тўрт жойига банд қўйиб суғорарди. Бугун катта ариқда сув бошқариб келинади ва сел босгандай қилиб очиб юборилади. Олдинлари намликни сақлаш учун ер хар икки-уч йилда бир марта 60 сантиметрдан 1 метргача юмшатилади, дам берилар эди. Натижада ёмғир суви ерга чўқур сингар, намлик кўпаярди. Айни пайтда ерга мол гўнгини солиш ҳам самара беради. У ерга ўғит бўлиш баробарида намлик пайдо қилиш хусусиятига эга. Агар хар гектарга ўн тонна гўн ташласан, тупроқ ўзида икки-уч фоиз намликни ишлаб чиқара олади. Бу жуда яхши кўрсаткичдир. Одамнинг боши оғриси бора-бора оёқдан қолади. Оёқдан қолган одамнинг эса боши оғриқдан қичмайди. Табиат шундай. Унинг барча дардига малҳам бўлиш эвазига сувсизликка ҳам, бошқа оғриқларга ҳам барҳам бериш мумкин. Биз унга муносабатимизни ўзгартирсан, табиат ҳам бизга фақат яхшилик йўллайди. Юқорида биз табиатни аслига қайтаришимиз керак дедик. Ҳа, бу ниҳоятда муҳим вазифа. Бунинг учун эса аввало инсон ўзлигини таниши зарур.

**Усмон НОРКУЛОВ,**  
Тошкент давлат аграр университети профессори

Манба: «Манавий ҳаёт» журнали. 2023 йил 4-сон.



## Тарихдаги энг иссиқ йил



mir24.tvнинг хабар беришича, олимлар ўтган 2023 йилдаги иқлим натижаларини сарҳисоб қилиб, кузатувлар тарихидаги энг иссиқ йил бўлганини расман тасдиқлашди.

Қайд этилишича, ўртача глобал ҳарорат цельсий бўйича 14,98 даражани ташкил этган. Бу 2016 йилда ўрнатилган аввалги рекорддан 0,17 даражага юқори. Мутахассисларнинг оғохлантиришича, дунё аллақачон иқлим бўйича Париж келишувига белгилаб қўйилган иссиқ чегарасига яқинлашмоқда - санотдан олдинги даражадан 1,5 даража юқори. Бунинг асосий сабаби сифатида иссиқхона газлари чикиндиларининг ортиб бораётгани айтилмоқда.

## Рекорд ўзгарадими?



Бу йил рекорд даражадаги энг иссиқ йил бўлиши мумкин, деб хабар бермоқда «Bloomberg» ахборот сайти.

Нашрнинг таъкидлашича, бунга биринчи навбатда, иқлим ўзгариши сабаб бўлади. Қазиб олинмаган ёқилчиларнинг ёниш атмосферада иссиқхона газлари миқдорини оширади, бу эса ўртача глобал ҳароратнинг ошишига олиб келади. Шунингдек, яна бир муҳим сабаб - Тинч океанининг экваториал қисмидаги сув юзаси қатламини ҳароратнинг ўзгариши билан боғлиқ иссиқлик, дейилади хабарда.

## Пластик идишдаги сувда хавфли заррачалар



Колумбия университети томонидан ўтказилган тадқиқотда 25 литр сувда 110 миңдан 370 миңгача заррачалар мавжудлиги аниқланди. Уларнинг 90 фоизи nanoplastikлардир.

Шу билан бирга, олимлар баъзи зарралар номаълум бўлиб қолганини, яъни пластик таркиби бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 450 миллион тоннадан ортиқ пластмасса ишлаб чиқарилади, уларнинг аксарияти чикиндиларга ташланади. Унинг кўп қисми табиий равишда парчаланмайди, лекин вақт ўтиши билан кичик фракцияларга бўлинади. Умуман олганда, пластмасса ифлосланиши сайёрамизда кенг тарқалган бўлса-да, заррачалар инсон танасига кириши мумкинлиги сабабли, пластик идиш солинган сув олимлар учун алоҳида қизқиқ уйғотади, дейилади «Bloomberg»да нашр этилган мақолада.

## Ит гўшти савдоси тақиқланади



Жанубий Кореяда 2027 йилдан бошлаб итларни гўшт учун боқиш ва ит гўшти савдоси билан шуғулланиш тақиқланади.

Мамлакат парламенти маълум қонунга кўра, тақиқни бузганлар 30 миллион вон (тахминан 20 800 евро) миқдорда жаримага тортилади ёки 3 йилгача қамалиши мумкин. Энди мамлакатда шу иш билан шуғулланувчи корхоналар ўз бизнесларини ўзгартиришлари керак ва бунинг учун ҳукумат уларга субсидиялар ажратади. Эслагиб ўтамиз, Жанубий Кореяда ит гўшти истеъмолни тақиқлаш бир неча йиллардан бери муҳокама қилиб келинаётган эди. Бу масала амалдаги президент Ён Сек Ёлнинг сайловолди дастурида ҳам бўлган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Эълон  
Муталов Алишер Абдуазимович номига хондонга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи №13-05/791 рақамли давлат ордери йўқолганини сабабли бекор қилинади.





Фаргона вилояти Қадрият



Мулоҳаза

Раҳматли отам «Яхши кишиларнинг миллати, мартабаси, ҳатто орзу-ҳаваслари ҳам ўхшаш бўлади», дея бот-бот уқтарди. Мен бу гапнинг туб маъносини кейинчалик тушуниб етганман. Ростдан-да, яхши одамлар бир-бирига маънан қиёфадош, ботинан яқин ва қалбан келишимли бўларкан. Буни кимдир рад қилиши мумкин, лекин табиат асло инкор этмайди.

# ЯХШИЛИК ИНСОННИ ЯШНАТАДИ, ЁМОНЛИК ҚАҚШАТАДИ

...Тонг ёришмасдан Иштихон туманидан Навоий шаҳрига қараб йўлга чиқдим. Катта кўчада чироқлари милт-милт ёниб келаётган энгил машиналар қатори узилмайди. Кўлимни кўтаришим билан ноқ улардан бири олдимга келиб тўхтади. Хайдовчи ўнг томондаги ойнасини тушириб, ширинсуханлик билан салом берди ва қаёққа бормоқчи эканлигини сўради. Баъзи таксичилар сал сипороқ кийинган йўловчиларни назарига олмайдиган ҳозирги даврда менга ўта илиқ муомалада бўлган бу киши ким бўлдикин, деган ўйда эшикни очиб, унга дўкка билан разм солдим. Ёш ва элчилгина йигит. Эғнида ички ишлар ходими формаси, елкасидаги тўртта юлдузча чироқлар шуъласида йилтираб турибди.

**Сиз бирор хонадонга озиқ-овқат элтиш баҳонасида оила аъзоларининг ҳол-аҳволини ҳам билмоқчи бўлсангиз уй соҳиби лоақал эшикни очиб, салом беришга ярамаса, буни қандай изоҳлаш мумкин? Аслида уша оиланинг камбағал бўлиб қолишига маҳалла, ҳокимият ёки касабаяушмалари айбдор эмас-ку! Тўрт мучаси соғ, уч фарзандинг отаси уйига яхши ният-ла борган кишиларга «лаббай» демаса, жилла курса, фарзандлари тақдирини ва келажагини ўйламаса, ундан бошқа нимани ҳам кутасиз?**

Аслида ўша оиланинг камбағал бўлиб қолишига маҳалла, ҳокимият ёки касабаяушмалари айбдор эмас-ку! Тўрт мучаси соғ, уч фарзандинг отаси уйига яхши ният-ла борган кишиларга «лаббай» демаса, жилла курса, фарзандлари тақдирини ва келажагини ўйламаса, ундан бошқа нимани ҳам кутасиз? Ҳолбуки, бундай кишилар бирор-бир илинж билан маҳалла идорасига ёки ҳоким қабулига борса, дастлаб гапни инсофдан бошлаши аниқ. Қўйиб берсангиз, давлат идораларида ишлайдиганларнинг ҳаммасини ноинсофга чиқаришдан ҳам тап тортмайди. Аслида ноинсоф ким? Бировлар йўқлаб борганда уларга пешвоз чиқмаган «бечораҳол» такасалтангми ёки ҳуқумат топширигини бажариш мақсадида кечая кундуз тинмай кўчама-кўча, хонадонма-хонадан юрадиган ёхуд уззукун хонасидан чиқмай ишлайдиган давлат хизматчисими?

**Ота-боболаримиз савобли ишлар қилган жойда кут-барак, ўзаро иззат-икром, тинчлик-тотувлик барқарор бўлади, деган туншунчани бир умр миямизга қўйишган. Азалӣ қадриятларни арзимас сабаб-баҳоналар билан оёқости қилиш эса ҳар қандай хонадондан фойз-барак ва одамгарчилик йўқолишига олиб келиши тайин. Бу иллат метиндек мустаҳкам ирода ва гурурни ҳам синдиришига шубҳа йўқ.**

Кечаягидек эсимда, икки оёғи болалигидан ишламайдиган, турмуш қурмаган бемор аёлнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш ниятида Конимех туманига борганимизда забардаст бир эркак ҳе йўқ, бе йўқ олдимизга чиқиб, «Синглимга, оиламизга еб-ичиш учун нима олиб келдиларингиз?» дея ўдағайлади. Биз акалик ва

эркаклик гурури йўқ бу кимсанинг қўпол муомаласидан, бечораҳол синглисининг ризқига шерик бўлишни ўзи учун ор деб билмаслигидан ҳайратга тушдик. Мен жаҳлимни жиловлай олмай, дилимдаги гапни шартта унинг юзига айтдим. «Тоғни урса талқон қилгудек кучга эга бақувват ва соғлом йигит бўла туриб, хаста синглингиз ортига беркиниб, кун кечиришдан уялмайсизми?» дедим.

Лекин саволим жавобсиз қолди. Лоақал ичкарига кириб, ҳақиқий ҳолатни суратга олишимизга ҳам йўл қўймади. Қарангки, уй-жойини беғоналарга кўрсатишга ёки газетда чиқаришга уялар эмиш...

Яхшиямки, касабаяушмалари ва ҳокимият деган ташкилотлар, «Аёллар дафтари»ни узлуксиз юритадиганлар ва бошқа кўплаб яхши кишилар бор. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бемор сингли яшаётган уй ёнига ҳаммом, ошхона, ҳожатхона қурилиб, зарур воситалар билан жиҳозланди. Бошқа хоналар ҳам эмин-эркин яшаш учун қулай ҳолга келтирилди. Бунинг учун ташаббускорларга ҳар қанча раҳмат айтса арзийди. Аммо биз «орият кучли» ака ўшанда бирор кишига миннатдорчилик билдирганини эшитмадик.

Беш нафар қизини тарбиялаб келаётган яқинларимиздан бирининг хотини яқинда олтинчи қизни ҳам туғди. Ота тушмагур шу кунги ғирт маст бўлиб олиб, «Мен бу сафар ўғилли бўлишимни кутганим», дея ярим тунгача жанжал қилди. Ҳовлисига ўтиб, уни инсофга чакирмоқчи бўлдим. Қанийди, қулоғига гап кирса. Оғзидан чиққан фақат битта гап: «Ака, менга ўғил керак эди, ўғи-и-и-и-л!».

Ичимда «Майли, укажон, сизга ўғил берсин, қиз берсин, фақат умри жони билан берсин», деб ният қилдим. Ахир, ҳаммамиз орамизда ўнта ўғил тарбиялаб, бирортасидан меҳр-оқибат кўрмаган ёки атиги икки қизни вояга етказиб, уларнинг ва куёвларининг беминнат соҳаватлари эвазига ҳажга бориб келаётган ота-оналар ҳам борлигини кўриб-билиб турибмиз-ку.

Аслида ҳеч ким ёмон бўлиб туғилмайди. Бирок бола қандай мухитда яшаса, худди шу йўсинда ўсиб-ўлғаяди. Яхшиларга қўшилса - яхши, ёмонлар домига тушса - ёмон бўлади. Қандайлигидан қатъи назар, айрим замондошларимизнинг юқорида тилга олинган ножоиз қилмишларидан кўз юммаслик, уларни тартиб-интизомга, инсоф-диёнат ва меҳр-оқибатга чакриш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Табиийки, боқимандалик оқибатсизлик ортидан келадиган айрилмас балодир. Қорни оч кишига бир бурда нон узатиш билан бир қаторда, уни қўлидан келадиган юмуш билан таъминлаш, ботинида мудраб ёки музлаб ётган инсоний фазилатларни уйғотиб юбориш ҳам қони савобдир. Сиртдан қараганда, бу оддий ва осон ишга ўхшайди, аслида эса унча-бунча киши ундамай олмайдиган жиддий муаммо саналади. Аниқроғи, уни истаганлар муайян сабабларга кўра, амалга ошира олишмайди, урдасидан чиқиб имконига эга бўлганлар эса, кўпинча бундай ишга қўл уришни хоҳлашмайди. Бу одамзодга хос энг ёмон иллатлардан бири бўлиб, номи худбинликдир.

Мен эса виждонли, инсофли ва адолатли кишиларни кўрганимда виждоним қийналиб, ўзим ва ўтмишим учун улардан уялиб яшашни истаганман. Зинҳор-базирноқ бегуно одамга тош отишни, яхши инсонларни ғийбат қилиб, ортидан пичоқ уришни душманимга ҳам раво кўрмайман.

Бугун йўлда бир яхши инсонга ҳамроҳ бўлиб, руҳиятимга аллақачонлар сингиб улгурган айрим воқеаларни эсладим ва сизларни улардан боҳабар қилдим. Тилагим - барчангизга ҳаммаша ва ҳамма жойда фақат яхши одамлар дуч келсин!..



Нормурод МУСОМОВ «ISHONCH»

## Унинг уйида ўтмиш яшайди

Бувайда туманида Расулжон Камолов ташкил этган уй-музейдан нафақат туман тарихи, юрт ўтмишидан ҳикоя қилувчи экспонатлар ўрин олган. Уларнинг орасида турли даврларга оид хумлардан тортиб, мусиқа асбоблари, пластинкаларни ҳам кўриш мумкин.

Расулжон ота хонадонига ташриф буюрган киши ўзини ўтмишга тушиб қолгандек ҳис қилади.

- 8-синфда ўқир эдим. Ўшанда мактабимизда 6 ойлик радиотелеусталар курси очилган эди. Ўша ерда ўқиб, магнитофонларга лента ёзишга иштирок бўлганман. Экспонатларни йиғиш

ўша пайтдан бошланган, - дейди 72 ёшли Расулжон ота Камолов. - Мана ҳозиргача қаерда қандай тарихий буюм кўрсам, йиғиб юраман. Уй-музейимда тахминан мингга яқин буюм бор. Менга уларнинг ҳар бири қадри. Шунинг учун бу буюмларни кўз қорачиғимдек асрайман.

Болалиқдан бошланган тарихий буюмлар йиғиш хобисини бугун тарихий рўзгор буюмлари, кулчилик маҳсулотлари, мусиқа асбоблари, кўлэзма асарларга қадар бойитилди. Учта хонадан ўрин олган буюмларнинг ҳар бири тарихдан сўзлайди.

Бу маскандан сўзана, хотин-қизлар қўли билан тикилган қадимги гул сочликлар, чопонлар, зарбфоб либослар, араб харфларидан нақшлар ишланган кумуш тақинчоқлар, паранжилар, араб алифбосидаги жуда кўп ноёб китоблар ҳам бор.

Уй-музейда Халима Носирова, Саодат Кобулова каби хонадаларнинг жонли овозлари ёзилган 400га яқин эски пластинка сақланмоқда. Коллекцияларнинг асосий қисмини мусиқа асбоблари ташкил этади. Жумладан, 200 йиллик тарихга эга асл дупор ва танбурулар,

нақшлар билан безатилган уйғур танбури, сурнай, най, кумуш нақшли бахшилар думбираси, магнит тасмалар, тарихий магнитофонлар бор.

- Мана бу танбур мен учун алоҳида қадри, - дейди отахон. - Уни тошкентлик таниқли уста Зуфаровларнинг бобоси 1950-60 йилларда Жўраҳон Султонов учун махсус ясаб берган. Бу танбури Жўраҳон Султоновдан Орифхон Хатамов, кейин Расулжон Мамадалиев чалган. Сўнгра «Фаргона тонг отгунча» кўшигининг муаллифи Абдулатиф Холдиров. Кейин эса менинг кўлимга тушди.

Хўш, бу тарихий хазиналар қандай қилиб Расулжон ақанинг уйдан жой олди? Ноёб буюмларни ўзида мужассам этган музей туман ёки вилоят марказида ташкил этилса бўлмасми? Музей билан таъинланган кишининг ҳаёлидан шу каби саволлар ўтиши табиий, албатта.

Расулжон Камоловнинг айтишича, туман ҳокимияти биноси ёнида хашар йўли билан музей учун алоҳида бино қурилган бўлса-да, унда бошқа ташкилот фаолият юритган. Орадан йиллар ўтиб, қимматли тарихий ёдгорликлар «Маданият уйи» қошидан жой олади. Аммо қайсидир сабабларга кўра музей яна ёпилиб, ўрнига «Фитнес клуб» очилади.

Ноёб экспонатлар қаровсиз қола бошлагач, Расулжон ота уларни ўз хонадонига кўчирган. Ҳозирги кунда тарихий ўйда мужассам этган кўплаб қадимий буюмлар, осори-атиқалар, кўлэзмалар, видеоасмалар, қўйилган, ўтмишдан сўзловчи экспонатларни Расулжон ота ўз хонадонига сақлаб келмоқда.



Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»



**МУАССИС:**

O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

ISSN 2020-0023 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

**Bo'limlar:** Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43 Marketing va obuna - (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:** Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31 Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02 Navoiy viloyati - (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** Z. Risixiyev

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdullajilov

**Boshig'ga topshirish vaqti - 22:50 Topshirildi - 23:20**

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzillimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Umumiy adadi 35 018 Shundan: 7540 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

**19 016 nusxasi** «Erudit» MChJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

**8462 nusxasi** «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G 111

1 2 3 4 5 6